

**Андижон давлат университети педагогика факультети БТСТИ
йўналиши 2-босқич 204-гурух талабаси Турғунова Сайёранинг
“Ислом Каримов асарларининг баркамол авлод тарбиясидаги
аҳамияти” мавзусида ёзган иншоси**

Режа:

I. Кириш.

1. Ислом Каримов мустақиллигимиз асосчиси

II. Асосий қисм:

1. Мустақил Ватанимизнинг ривожланишида давлатбоши Президентимизнинг ўрни
2. Президентимизнинг ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари
3. Биринчи Президентимизнинг ёшларга яратиб берган имкониятлари

III. Хулоса.

1. Ислом Каримов асарларининг тарбиявий аҳамияти

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

(Ислом Каримов)

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди. Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олийжаноб, инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихидан ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тузумидан воз кечиб, жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умуминсоний кадриятларни чуқур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш асосида ижтимоий

йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этишга қарор қилинди. Юртимизда қабул қилинган “ўзбек модели” деб ном олган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби машхур беш тамойилга асосланган ўзига хос йўли буларнинг барчаси, айниқса, 2008-йилда бошланган ва ҳануз давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ўзининг нечоғлик тўғри ва ҳаётий эканини исботлади. Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келди. Ислом Каримов бутун халқимизга ва биз ёшларга, умид бердилар. У бизни энг оғир дамларда ҳам қаддимизни эгмасликка, ҳеч кимга қарам бўлмасликка ўргатдилар. Биз ёшларни жасоратга, матонатга, фидойиликка, шу азиз Ватанни чинакамига севишга, тинчликнинг қадрига етишга ўргатдилар.

Президентимизнинг халқимизга, биз ёшларга меҳру муҳаббатлари чексиз эди. Болалар спортга қаратилган эътибор сабабли мамлакатимизда қанчадан-қанча жаҳон ва осие чемпионлари етишиб чиқди. Руслан Нуриддинов, Хасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров каби олимпиада чемпионлари ана шу сиёсатнинг маҳсули эмасми? Ёшларнинг бу каби ютуқларини қўлга киритишга замин яратган бир кучли омил бор. Бу давлат раҳбарларининг ишончи ва рағбати! Ислом Каримов биз ёшларни оталарча яхши кўрар эди, ёшларнинг ютуқларидан беҳад мамнун бўлар эди, бизга ишонч билдирарди ва бизни ҳеч кимдан кам бўлмасликка, ўз кучимизга ва салоҳиятимизга ишонишга даъват қилар эдилар.

Юртбошимизда ёшларга қўшимча қувват, ғайрат-шижоат бағишловчи куч – меҳр бор эди. У киши доимо ёшларга мурожаат қилиб, янгидан-янги зафарларга ундардилар. Жуда кўп ёшларимиз ютуқларга эришишда давлат раҳбарининг далдаси ва ишончи ҳал қилувчи омил бўлганлигини айтишган. Мен бу улуғ бобомиз билан бир даврда яшаганимдан фахрланаман, уларнинг яратиб берган шарт-шароитларига шукрона айтиб яшайман. Умрларининг охиригача халқимизга кўрсатган меҳр ва ишончларини оқлаш учун бор куч-ғайратимни бағишлайман.

Мустақиллик йилларида Ислом Каримовнинг оталарча меҳри билан минглаб ёшлар – бутун бошли янги бир авлод камолга етди. Биз ёшлар ана шу меҳрга ва ишончга содиқ қолиб, ўз кучимизга ва салоҳиятимизга ишониб, янги марраларни эгаллашимиз шарт. Бу биз учун ҳам фарз, ҳам қарз! Мустақиллигимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Юртбошимиз орзу қилганидек Ўзбекистоннинг дунёдаги

ривожланган давлатлар сафидан жой олиши учун фидокорона хизмат қилиш шу юртда яшаётган, миллати ва динидан қаятий назар ҳар бир йигит-қизнинг фарзандлик бурчидир! “Бўш келманг фарзандларим, давр бизники, марра бизники!”. Мана шу даъват бугун ўз отаси билан видолашган миллионлаб ёшларимизнинг қулоқлари остида худди яшиндек чакнаб биз ёшларга миллий давлатчилигимиз ривожда улкан ҳисса қўшган буюк давлат арбоби – Ислам Каримов олдидаги қарздорлик ва фарзандлик бурчимизни ҳар лаҳза, ҳар дақиқада ёдга солиб туришини истардим. Биз, ёшлар Президентимизнинг номини қалбимизда абадий сақлаймиз, ҳар доим бу буюк инсоннинг ишончига лойиқ фарзанд бўлишга ваъда берамиз!